



26 март 2018 й.г. № 236

Тошкент ш. – г. Ташкент

**“Ақлли шаҳар” концепцияси бўйича Тошкент вилояти маъмурий  
маркази қурилишини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида**

“Ақлли шаҳар” концепцияси бўйича Тошкент вилояти маъмурий марказини қуриш ишларини ташкил этиш, замонавий шаҳар муҳитини яратиш ва Нурафшон шаҳрининг архитектуравий қиёфасини янгилаш, муҳандислик коммуникацияларини ҳамда йўл-транспорт инфратузилмасини модернизация қилиш, шунингдек, аҳолининг яшаш шароитларини ҳар томонлама яхшилаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш кўмитаси ҳамда Тошкент вилояти ҳокимлигининг Нурафшон шаҳри ҳокимлиги ҳузурида давлат унитар корxonаси шаклидаги Тошкент вилояти маъмурий марказини қуриш дирекциясини ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. “Нурафшон шаҳри ҳокимлиги ҳузуридаги Тошкент вилояти маъмурий марказини қуриш дирекцияси” давлат унитар корxonаси (кейинги ўринларда Дирекция деб аталади) тузилмаси 1-иловага мувофиқ маъқуллансин.

Белгилаб қўйилсинки, Дирекция:

“Ақлли шаҳар” концепцияси бўйича Нурафшон шаҳрида Тошкент вилояти маъмурий маркази қуриш” инвестиция лойиҳасини (кейинги ўринларда инвестиция лойиҳаси деб аталади) амалга ошириш доирасида буюртмачи функциясини амалга оширади;

ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Инвестициялар, инновацион ривожлантириш, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари фаолиятини мувофиқлаштириш, туризм масалалари комплексига ҳамда Тошкент вилояти ҳокимлигига ҳисобот беради.

3. “Ақлли шаҳар” концепцияси бўйича Тошкент вилояти маъмурий марказининг қурилишини ташкил этиш бўйича комиссия (кейинги ўринларда комиссия деб аталади) 2-иловага мувофиқ таркибда ташкил этилсин.

Комиссия (С.Р.Холмурадов):

бир ҳафта муддатда инвестиция лойиҳасини амалга ошириш бўйича амалий чора-тадбирлар режасини - "йўл харитаси"ни (кейинги ўринларда Йўл харитаси деб аталади) тасдиқласин;

Йўл харитасида назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда амалга оширилишини, ҳар чоракда унинг бажарилиши тўғрисидаги ахборот Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонига киритилишини таъминласин;

Дирекция фаолиятининг самарали ташкил этилишини, инвестиция лойиҳасини амалга ошириш доирасида объектларнинг ўз вақтида қурилиши ва ишга туширилишини таъминласин;

инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун етакчи лойиҳалаш ва қурилиш ташкилотларини аниқлаш ва таклиф этиш, шунингдек, хорижий инвестицияларни жалб этиш чора-тадбирларини кўрсин.

Комиссия раиси зиммасига унга юкланган вазифаларнинг ўз вақтида ва самарали амалга оширилиши юзасидан масъулият юклансин.

#### 4. Белгилаб қўйилсинки, Дирекцияни сақлаб туриш:

инвестиция лойиҳасининг ТИА (ТИХ) белгиланган тартибда тасдиқлангунгача, кейинчалик амалга оширилган харажатларни Тошкент вилояти маҳаллий бюджетига буюртмачини сақлаб туришга инвестиция лойиҳасида назарда тутилган маблағлардан қоплаган ҳолда – Тошкент вилояти маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобига;

буюртмачини сақлаб туришга инвестиция лойиҳасида назарда тутилган маблағлар ҳисобига амалга оширилади.

Тошкент вилояти ва Нурафшон шаҳри ҳокимликлари ўн кун муддатда Дирекцияни юқори малакали кадрлар билан тўлдирсинлар.

5. Дирекцияга инвестиция лойиҳасини амалга ошириш доирасида, истисно тариқасида, қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги қошидаги Лойиҳаларни ва импорт контрактларни комплекс экспертизадан ўтказиш маркази ДУКнинг ижобий хулосаси мавжуд бўлган тақдирда, тендер ўтказмасдан энг яхши таклифларни танлаб олиш асосида лойиҳалаш ва пудрат ташкилотлари билан шартномалар тузиш;

давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг, етакчи лойиҳалаш, илмий ва таълим ташкилотларининг, шунингдек, халқаро ташкилотлар ва хорижий компанияларнинг юқори малакали мутахассисларини консультант-экспертлар сифатида шартнома асосида жалб этиш;

юқори малакали хорижий мутахассисларни ишга қабул қилиш, шунингдек, уларга Дирекцияни сақлаб туришга ажратилган маблағлар ҳисобидан иш ҳақи ва бошқа тўловларни тўлаш миқдорларини белгилаш.

6. Қуйидагилар инвестиция лойиҳасини амалга оширишни молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

инвестиция лойиҳасининг ТИА (ТИХ)ни тайёрлаш, коммуникацияларни ўтказиш, тозалаш иншоотларини қуриш бўйича – Ўзбекистон Республикаси республика бюджети маблағлари, шунингдек, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар;

электр таъминоти, газ таъминоти ва алоқа воситалари тармоқларини инвестиция лойиҳаси чегарасигача қуриш бўйича – тегишли равишда “Ўзбекэнерго” АЖ, “Ўзтрансгаз” АЖ ва “Ўзбектелеком” АКнинг ўз маблағлари;

сув таъминоти ва канализация тармоқларини қуриш, суғориш сув қувурлари, ирригация тармоқлари ва ташқи ёритиш тармоқлари жойлашувини ҳисобга олган ҳолда ҳудудларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича – Ўзбекистон Республикаси республика бюджети маблағлари, шунингдек, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар;

“Ақли шаҳар” концепцияси бўйича Нурафшон шаҳрида Тошкент вилояти маъмурий маркази объектларини қуриш бўйича – Ўзбекистон Республикаси Давлат кафолати остида жалб этиладиган хорижий инвестициялар ва кредитлар;

“Ақли шаҳар” концепцияси бўйича Тошкент вилояти маъмурий марказини қуриш учун ер участкалари олиниши муносабати билан жисмоний ва юридик шахслар кўрадиган зарарларни қоплаш бўйича – Ўзбекистон Республикаси республика бюджети маблағлари, шунингдек, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

#### 7. Тошкент вилояти ҳокимлиги:

Дирекцияни бино, автотранспорт воситалари ва тўлақонли фаолият кўрсатиши учун зарур бошқа инвентарлар билан таъминласин;

Дирекция буюртмасига биноан бир ой муддатда, Тошкент вилояти маъмурий маркази қурилиши учун 246,2 гектар ер участкаси, шу жумладан “Кончи” массиви ҳудудида – 113 гектар ва “Янги турмуш” массиви ҳудудида – 133,2 гектар ер участкаси ажратсин.

Дирекция, истисно тариқасида, ер участкаси ажратилиши муносабати билан қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши йўқотишлари ўрнини қоплашдан озод қилинсин.

8. Нурафшон шаҳри ҳокими мақоми ва меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари бўйича Тошкент вилояти ҳокимининг ўринбосарига тенглаштирилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги инвестиция лойиҳасининг ТИА (ТИХ) белгиланган тартибда тасдиқлангунгача Дирекциянинг буюртманомаларига биноан, хорижий лойиҳалаш ташкилотлари томонидан бажариладиган лойиҳа-қидирув ишларини молиялаштириш учун маблағларни қидириш ва Дирекциянинг банк ҳисоб рақамига ўтказиш чора-тадбирларини таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Нурафшон шаҳрининг телекоммуникация тармоқлари ва тизимларини модернизация қилиш, Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси ҳисобига миллий ва халқаро ахборот ресурсларидан жадал фойдаланилишини таъминлаш учун замонавий оптик-толали тармоқларни ўтказиш чора-тадбирларини кўрсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Нурафшон шаҳри ҳокимлигининг буюртманомаларига биноан, инвестиция лойиҳасини амалга оширишда қатнашадиган хорижий мутахассисларга кириш визаларининг консуллик ва бошқа йиғимлар ундирилмасдан расмийлаштирилишини таъминласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Нурафшон шаҳри ҳокимлигининг буюртманомаларига биноан, инвестиция лойиҳасини амалга оширишда қатнашадиган хорижий мутахассисларга кўп марталиқ визаларнинг расмийлаштирилишини, берилишини ва муддати узайтирилишини, шунингдек, вақтинчалиқ яшаш жойида вақтинчалиқ пропискадан ўтказишни ва вақтинчалиқ прописка муддати узайтирилишини давлат божи ундирмасдан таъминласин.

13. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Нурафшон шаҳри ҳокимлигининг буюртманомаларига биноан, инвестиция лойиҳасини амалга оширишда қатнашиш учун юқори малакали хорижий мутахассисларнинг Ўзбекистон Республикасига жалб этилиши учун рухсатномаларнинг белгиланган тартибда берилишини (муддати узайтирилишини), шунингдек, кўрсатиб ўтилган хорижий фуқаролар учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолияти ҳуқуқини тасдиқномаларининг берилишини (муддати узайтирилишини) белгиланган тўлов ундирмасдан таъминласин.

14. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси раиси С.Р.Холмурадов ва Тошкент вилояти ҳоқими Ғ.И.Ибрагимов зиммасига юклансин.


Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А.Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг  
2018 йил 26 мартдаги  
236-сон қарорига  
1-илова

“Нурафшон шаҳри ҳокимлиги ҳузуридаги Тошкент вилояти маъмурий марказини қуриш дирекцияси” давлат унитар корхонасининг  
Т У З И Л М А С И



Бошқарув ходимларининг умумий сони – 60 нафар.

**“Ақлли шаҳар” концепцияси бўйича Тошкент вилояти маъмурий  
марказининг қурилишини ташкил этиш бўйича комиссия  
ТАРКИБИ**

1. Холмурадов С.Р. - Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси раиси, *комиссия раҳбари*
2. Кудратов Л.Ш. - Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси раисининг ўринбосари, *комиссия раҳбарининг ўринбосари*
3. Ибрагимов Ф.И. - Тошкент вилояти ҳокими, *комиссия раҳбарининг ўринбосари*
4. Ли Д.Р. - Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги директорининг биринчи ўринбосари (*келишув бўйича*)
5. Ходжаев Б.А. - Иқтисодиёт вазири
6. Ахмедходжаев А.И. - Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири
7. Хамраев Ш.Р. - Сув хўжалиги вазири
8. Салиев М.Х. - Уй-жой-коммунал хизмат кўрсатиш вазири
9. Хайдаров А.Я. - Молия вазирининг биринчи ўринбосари
10. Атабаев Ш.Х. - Марказий банк раисининг ўринбосари (*келишув бўйича*)
11. Закиров Б.И. - Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси раиси
12. Абдуллаев А.Х. - Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси раиси
13. Абдувалиев А.А. - Автомобиль йўллари давлат қўмитаси раиси
14. Мустафоев У.М. - “Ўзбекэнерго” АЖ бошқаруви раиси
15. Мустафаев А.С. - “Ўзтрансгаз” АЖ бошқаруви раиси
16. Рахимов У.И. - Нурафшон шаҳри ҳокими

**Изоҳ.** Комиссия аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда унинг таркибига ушбу лавозимларга янгидан тайинланган ёхуд зиммасига тегишли функцияларни бажариш юкланган шахслар киритилади.



26 « марта 2018 й. г. № 236

Тошкент ш. – г. Ташкент

**О мерах по организации строительства административного центра  
Ташкентской области по концепции «Умный город»**

В целях организации работ по строительству административного центра Ташкентской области по концепции «Умный город», создания современной городской среды и обновления архитектурного облика, модернизации инженерных коммуникаций и дорожно-транспортной инфраструктуры города Нурафшон, а также всестороннего улучшения условий проживания населения Кабинет Министров **постановляет:**

1. Согласиться с предложением Национального агентства проектного управления при Президенте Республики Узбекистан, Государственного комитета Республики Узбекистан по архитектуре и строительству и хокимията Ташкентской области о создании Дирекции по строительству административного центра Ташкентской области при хокимияте города Нурафшона в форме государственного унитарного предприятия.

2. Одобрить структуру Государственного унитарного предприятия «Дирекция по строительству административного центра Ташкентской области при хокимияте города Нурафшона» (далее – Дирекция) согласно приложению № 1.

Определить, что Дирекция:

осуществляет функции заказчика в рамках реализации инвестиционного проекта «Строительство административного центра Ташкентской области в городе Нурафшоне по концепции «Умный город»» (далее – инвестиционный проект);

в своей деятельности подотчетна Комплексу по вопросам инвестиций, инновационного развития, координации деятельности свободных экономических и малых промышленных зон, туризма Кабинета Министров Республики Узбекистан и хокимияту Ташкентской области.

3. Создать Комиссию по организации строительства административного центра Ташкентской области по концепции «Умный город» (далее – комиссия) в составе согласно приложению № 2.

Комиссии (Холмурадов С.Р.):

в недельный срок утвердить план практических мер – «дорожную карту» по реализации инвестиционного проекта (далее – Дорожная карта);

обеспечить своевременную и в полном объеме реализацию мероприятий, предусмотренных в Дорожной карте, с ежеквартальным внесением информации о ходе ее выполнения в Аппарат Президента Республики Узбекистан;

обеспечить эффективную организацию деятельности Дирекции, своевременное строительство и ввод объектов в рамках реализации инвестиционного проекта;

принять меры по определению и приглашению ведущих иностранных проектных и строительных организаций, а также привлечению иностранных инвестиций для реализации инвестиционного проекта.

Возложить на председателя комиссии ответственность за обеспечение своевременной и эффективной реализации возложенных на нее задач.

4. Установить, что содержание Дирекции осуществляется за счет:

средств местного бюджета Ташкентской области – до утверждения в установленном порядке ТЭО (ТЭР) инвестиционного проекта, с последующим возмещением понесенных расходов местному бюджету Ташкентской области из средств, предусмотренных в инвестиционном проекте на содержание заказчика;

средств, предусмотренных в инвестиционном проекте на содержание заказчика.

Хокимиятам Ташкентской области и города Нурафшона в десятидневный срок укомплектовать Дирекцию высококвалифицированными кадрами.

5. Предоставить Дирекции в рамках реализации инвестиционного проекта, в порядке исключения, право:

заключать договоры с проектными и подрядными организациями на основе отбора наилучших предложений, без проведения тендера, при наличии положительного заключения ГУП «Центр комплексной экспертизы проектов и импортных контрактов при Национальном агентстве проектного управления при Президенте Республики Узбекистан»;

привлекать на договорной основе в качестве консультантов-экспертов высококвалифицированных специалистов государственных органов и иных организаций, ведущих проектных, научных и образовательных организаций, а также международных организаций и иностранных компаний;

принимать на работу высококвалифицированных иностранных специалистов, а также устанавливать им размеры оплаты труда и иных выплат за счет средств, выделенных на содержание Дирекции.

6. Определить источниками финансирования реализации инвестиционного проекта в части:

подготовки ТЭО (ТЭР) инвестиционного проекта, подведения коммуникаций, строительства очистных сооружений – средства республиканского бюджета Республики Узбекистан, а также иные источники, не запрещенные законодательством;

строительства подводящих сетей электроснабжения, газоснабжения и связи до границы инвестиционного проекта – собственные средства, соответственно, АО «Узбекэнерго», АО «Узтрансгаз» и АК «Узбектелеком»;



строительства подводящих сетей водоснабжения и канализации, благоустройства и озеленения территорий с учетом устройства поливочного водопровода, ирригационных сетей и наружного освещения – средства республиканского бюджета Республики Узбекистан, а также иные источники, не запрещенные законодательством;

строительства объектов административного центра Ташкентской области в городе Нурафшоне по концепции «Умный город» – иностранные инвестиции и кредиты, привлекаемые под Государственную гарантию Республики Узбекистан;

возмещения убытков физическим и юридическим лицам в связи с изъятием земельных участков для строительства административного центра Ташкентской области в городе Нурафшоне по концепции «Умный город» – средства республиканского бюджета Республики Узбекистан, а также иные источники, не запрещенные законодательством.

#### 7. Хокимияту Ташкентской области:

обеспечить Дирекцию зданием, автотранспортными средствами и другим необходимым инвентарем для ее полноценного функционирования за счет средств местного бюджета;

по заявке Дирекции в месячный срок выделить земельный участок площадью 246,2 га для строительства административного центра Ташкентской области, в том числе 113 га – на территории массива «Кончи» и 133,2 га – на территории массива «Янги турмуш».

Освободить, в порядке исключения, Дирекцию от возмещения потерь сельскохозяйственного и лесохозяйственного производства в связи с отводом земельного участка.

8. Приравнять хокима города Нурафшона по статусу и условиям оплаты труда к заместителю хокима Ташкентской области.

9. Министерству финансов Республики Узбекистан до утверждения в установленном порядке ТЭО (ТЭР) инвестиционного проекта по заявкам Дирекции обеспечить меры по изысканию и перечислению на банковский счет Дирекции средств для финансирования проектно-изыскательских работ, выполняемых иностранными проектными организациями.

10. Министерству по развитию информационных технологий и коммуникаций Республики Узбекистан принять меры по модернизации телекоммуникационных сетей и систем города Нурафшона, проведению современных оптоволоконных сетей для обеспечения высокоскоростного доступа к национальным и международным информационным ресурсам за счет средств Фонда развития информационно-коммуникационных технологий.

11. Министерству иностранных дел Республики Узбекистан по заявкам хокимията города Нурафшона обеспечить оформление въездных виз иностранным специалистам, участвующим в реализации инвестиционного проекта, без взимания консульских и иных сборов.

12. Министерству внутренних дел Республики Узбекистан по заявкам хокимията города Нурафшона обеспечить оформление, выдачу и продление многократных виз, а также временную прописку и продление временной прописки по месту временного проживания иностранным специалистам, участвующим в реализации инвестиционного проекта, без взимания государственной пошлины.

13. Министерству занятости и трудовых отношений Республики Узбекистан обеспечить в установленном порядке выдачу (продление) по заявкам хокимията города Нурафшона разрешений на привлечение в Республику Узбекистан высококвалифицированных иностранных специалистов для участия в реализации инвестиционного проекта, а также выдачу (продление) указанным иностранным гражданам подтверждений на право трудовой деятельности на территории Республики Узбекистан, без взимания установленной платы.


14. Контроль за исполнением настоящего постановления возложить на заместителя Премьер-министра Республики Узбекистан – председателя Государственного комитета по инвестициям Республики Узбекистан Холмурадова С.Р. и хокима Ташкентской области Ибрагимова Г.И.

**Премьер-министр  
Республики Узбекистан**



**А.Арипов**

**СТРУКТУРА**  
**Государственного унитарного предприятия «Дирекция по строительству административного центра**  
**Ташкентской области при хокимияте города Нурафшона»**



## СОСТАВ

### Комиссии по организации строительства административного центра Ташкентской области по концепции «Умный город»

1. Холмурадов С.Р. - заместитель Премьер-министра Республики Узбекистан – председатель Государственного комитета по инвестициям, *руководитель комиссии*
2. Кудратов Л.Ш. - заместитель председателя Государственного комитета по инвестициям, *заместитель руководителя комиссии*
3. Ибрагимов Г.И. - хоким Ташкентской области, *заместитель руководителя комиссии*
4. Ли Д.Р. - первый заместитель директора Национального агентства проектного управления при Президенте Республики Узбекистан (*по согласованию*)
5. Ходжаев Б.А. - министр экономики
6. Ахмедходжаев А.И. - министр по развитию информационных технологий и коммуникаций
7. Хамраев Ш.Р. - министр водного хозяйства
8. Салиев М.Х. - министр жилищно-коммунального обслуживания
9. Хайдаров А.Я. - первый заместитель министра финансов
10. Атабаев Ш.Х. - заместитель председателя Центрального банка (*по согласованию*)
11. Закиров Б.И. - председатель Государственного комитета по архитектуре и строительству
12. Абдуллаев А.Х. - председатель Государственного комитета по земельным ресурсам, геодезии, картографии и государственному кадастру
13. Абдувалиев А.А. - председатель Государственного комитета по автомобильным дорогам
14. Мустафоев У.М. - председатель правления АО «Узбекэнерго»
15. Мустафаев А.С. - председатель правления АО «Узтрансгаз»
16. Рахимов У.И. - хоким города Нурафшон

**Примечание.** При переходе членов комиссии на другую работу в ее состав включаются лица, вновь назначенные на эти должности, либо на которых возложено выполнение соответствующих функций.

